

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

---

**ДЖАЛОЛОВА ФЕРУЗА МАХАМАТЖОНОВНА**

**АЁЛЛАРДА СУТ ЙЎЛЛАРИ НЕОПЛАЗИЯЛАРИНИ ЭРТА  
ТАШХИСЛАШДА ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАР**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Джалолова Феруза Махаматжоновна**

Аёлларда сут йўллари неоплазияларини  
эрта ташхислашда инновацион услублар ..... 3

**Джалолова Феруза Махаматжоновна**

Инновационные методы ранней  
диагностики внутрипротоковых неоплазий  
молочных желез у женщин ..... 31

**Djalolova Feruza Maxamatjonovna**

Innovative methods in the early diagnostics  
of women with intraductal  
neoplasia of mammary gland ..... 61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 65

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДЖАЛОЛОВА ФЕРУЗА МАХАМАТЖОНОВНА**

**АЁЛЛАРДА СУТ ЙЎЛЛАРИ НЕОПЛАЗИЯЛАРИНИ ЭРТА  
ТАШХИСЛАШДА ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАР**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib487 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилида (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Мамадалиева Яшнара Мамасалиевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** **Алимходжаева Лола Телмановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Каримов Ахмад Хашимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Самарқанд Давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.)

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлар доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлар доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлар доктори,  
профессор

## КИРИШ (фан доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертацияси мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёнинг кўплаб мамлакатларида соғлиқни сақлашнинг устувор йўналишларидан бири аёллар орасида сут бези саратони билан касалланишнинг юкини камайтиришдир. Сут бези саратони дунёдаги энг кенг тарқалган онкологик касалликлардан биридир: ЖССТ (Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти) маълумотларига кўра, «...ҳозирги кунда сут бези саратони (СБС) барча онкологик касалликлар ичида ва аёллар орасидаги ўлим кўрсаткичлари бўйича биринчи ўринни эгаллайди. 2020 йилда бутун дунё аёллари орасида 2.3млн СБС билан касалланиш ҳолатлари ташхисланган бўлиб, 685 мингта ўлим ҳолатлари қайд этилган...»<sup>1</sup>. СБСнинг тоборо кўпайиб бораётгани, аҳолининг ёш қатламларини ҳам қамраб олаётгани, диагностик усулларнинг кўплигига қарамай, беморларни 60% гача иккинчи ва ундан юқори босқичда тиббий ёрдамга мурожаат қилаётгани, эрта ташхис қилиш усулларининг оқсаётгани даво усулларининг бу босқичларида тоборо қимматлашиб боришига ва самарадорлигини чегараланишига олиб келади ва замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда аёлларда сут йўллари неоплазияларини эрта аниқлаш ва даволаш, текширув усулларини такомиллаштириш, яқуний нохуш оқибатлари сонини камайтиришга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада аёлларда стандарт текширув усулларидан клиник кўрув, цитологик текширув, маммография, дуктография, УТ текшируви кенг қўлланилиб келинмоқда, лекин сут йўллари неоплазияларининг субклиник босқичларида цитологик текширув, дуктография текширув усулларини қўллаш имконининг йўқлиги, УТ текширув усулининг ўзи мазкур касалликни ташхислаш имконияти камлигини инобатга олган ҳолда, мультипараметрик УТ текширув мураккаб технологияни қўллаш аниқ ва ишончли диагностика учун кўшимча имкониятлар беради. Шу боисдан аёлларда сут йўллари неоплазияларини эрта ташхислаш имконини берувчи усулларни излаш зарурияти ошмоқда, жумладан мультипараметрик УТ усулларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш каби илмий тадқиқотларни юритиш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, замонавий ташхислашнинг илғор технологияларини жорий этиш орқали сут бези ўсма касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилашга эришилди. Шу билан бирга, СБСнинг хали клиник манифестация бермай туриб, ташхислаш усулларини мукамаллаштириш, амалиётга қўллаш муҳим вазифа ҳисобланади. Сут йўллари неоплазияларини ташхислаш ва даволаш тактикаси ҳақида гапирганда, бир қатор муаммолар ҳал қилинмаган:

---

<sup>1</sup>World Health Organization. National Cancer Center 2022. Oncologie 2022, 24(4), 649-663.  
<https://doi.org/10.32604/oncologie.2022.027640>

хатто хавф остида бўлган аёлларда ҳам касаллик кеч ташхисланади; сут йўллари хосилаларини верификация қилиш афзал усуллари белгиланмаган; сут йўллари неоплазияларидаги майда хосилаларни адекват даволаш усуллари белгиланмаган. Шу муносабат билан, «... аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича»<sup>2</sup> вазифалар кўйилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, мавжуд диагностика усуллари такомиллаштириш ва янгиларини излашга, шунингдек, адекват даволаш усуллари такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 27-майдаги ПҚ-5130-сон «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда аёлларда сўрғичдан патологик ажралма келиши билан характерланувчи сут йўллари неоплазиялари билан касалланиш ҳолатлари кўпаймоқда. Шу билан бир қаторда касалликнинг клиник белгиларсиз тури билан касалланиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Сут йўллари неоплазияларининг шаклланишида айрим генетик ва тиббий-биологик омилларнинг аҳамияти ҳали етарлича ўрганилмаган. Клиник амалиётда сут безларини пальпация йўли билан текширув усули сут йўлидаги патологик хосиланинг хажмининг кичиклиги, кўпинча ҳолатларда оғриқсизлиги, баъзан сўрғичдан патологик ажралмаларнинг касаллик субклиник босқичларида ажралмаслиги каби белгиларнинг бўлиши мазкур текширув усулининг сезгирлигини камайтиради. Қўшимча равишда, цитологик текширув, дуктография усулининг клиник белгиларсиз шаклида қўллаш имконининг йўқлиги касалликни эрта босқичларда аниқлаш имкониятларини чеклайди. Шу муносабат билан аёлларда сут йўллари неоплазияларини аниқлашда маммография текширув усули муҳим роль ўйнайди. Гарчи ушбу текширув кенг қамровли аёллар учун қўлланилсада, бир қатор чекловларга эга. Мазкур касалликнинг ёш аёлларда учраши, ундан ташқари, сут безларининг тузилишидаги физиологик зичлигининг юқорилиги маммография текшируви

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

сезгирлигини камайтиради ва эрта ташхишлаш имкониятларини камайтиради. Ушбу стандарт усулларнинг чекловлари мультипараметрик УТ усули (В-режим+ допларография+эластография) каби мураккаб диагностик технологиялардан фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради (Ishizuka Yumiko, Eguchi Hidetaka, Horimoto Yoshiya.,2024; Sasaki Ritsuko, Okazaki Yasushi, Arai Masami, Saito Mitsue., 2024; Yukishige Sawaka, Inoue Hiroaki, Inui Tomohiro, Sasa Soichiro, Misaki Mariko, Goto Masakazu, Morino Hiroyuki, Yoshida Yukiko, Miyamoto Yoko.,2024; Якобс ОЭ ва бошқалар , 2019).

Сўнги вақтларда биологик тўқималарнинг силжиш эластиклик хусусиятларини тасвирлашнинг янги йўналиши фаол ишлаб чиқилмоқда, бу усул эластография деб номланади. У бир хил турда бўлмаган тўқималарни тасвирлаб, анъанавий усулларда олинган маълумотлар ўрнини тўлдиради ва ҳар хил жойда жойлашган патологияни ташхислаш учун истиқболли усул ҳисобланади (Якобс ОЭ ва бошқалар, 2019). Сут йўллари ўсмаларини кўшимча диагностик текшириш усули– дуктография (галактография) ҳам зарурдир. СБ сут йўллари контрастли текширув усули сезгир усулдир, аммо хавфли ва хавфсиз ўсма касалликларини аниқлашда специфик усул эмас. Шу нуқтаи назардан, эластография усулини қўлланилиши сут беши хавфли ўсма касалликларини қиёсий ташхислаш имкониятларини оширади (Cheung S ва бошқалар, 2014).

Ўзбекистонда аёлларда сут беши солид хосилаларининг дифференциал диагностикасида комплекс эхография текширув усулининг имкониятларини яхшилаш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда (Расулова М.М., 2023; Закирова Л.Т., Нишанов Д.А., Алимходжаева Л.Т.,2015; Бабаханова Д.С., Ибрагимов А.Ю., Мамадалиева Я.С., Мирзамухаммедов Х.К., 2023) бироқ, аёлларда сут йўллари неоплазияларининг клиник, инструментал, цитоморфологик, иммуногистохимик ташхислаш орқали самарали даволаш тизимини ташкиллаштириш ва беморларни ҳаёт сифатини яхшилашнинг оптимал вариантлари очиб берилмаган. Шундай қилиб, аёлларда сут йўллари неоплазияларининг юқори учраш частотаси ва сут йўллари саратонининг кеч аниқланиши, стандарт рентгенологик ва ультратовуш тадқиқотларининг қониқарсиз натижалари, унинг диагностика самарадорлигини мультипараметрик нур диагностикаси орқали ошириш имконияти мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Сут йўллари неоплазияларини ташхислашдаги қийинчиликлар ва турли ёндашувлар клиник протоколлар ва комплекс диагностика усулларидан фойдаланиш стандартларини такомиллаштиришни талаб қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг №002458 рақамли илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** сут йўллари неоплазияларини эрта ташхислаш усулларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аёлларда сут йўллари неоплазиялари нозологик структурасини аниқлаш;

сут йўллари неоплазияларни эрта ташхислашда клиник, цитологик, морфологик, рентгеномаммографик, мультипараметрик ультратовуш текширувлари имкониятларини баҳолаш;

сут йўллари ҳосилаларининг хавфлилик хусусиятларини ва нохуш кечишининг прогностик мезонларини таҳлил қилиш;

комплекс текширув усуллари орқали сут йўллари неоплазияларини эрта ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017-2022 йилларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон филиалига мақсадли текширув учун юборилган сут йўллари неоплазиялари аниқланган 144 нафар (20 ёшдан-70 ёшгача) аёллар киритилган бўлиб, шулардан 77 нафаридан (ҳар хил ёшдаги) сут безларида оғрик, СБ ҳосиласининг пайпасланиши, сўрғичдан патологик ажралма чиқиши каби клиник белгиларга эга бўлган аёллар ва 67 нафари (40 ва ундан катта ёшдаги) маммография текширувида сут йўлларида ҳосилалар аниқланган, субъектив белгилар кузатилмаган аёллар киритилган.

**Тадқиқотнинг предмети** аёлларга сут йўллари ўсма касалликларини эрта ташхислаш бўйича ўтказилган клиник, цитологик, маммография, дуктография, мультипараметрик УТ текширувлари натижалари бўлди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллар қўлланилди: умумклиник, цитологик, нур ташхис усуллари (маммография, дуктография, мультипараметрик ультратовуш диагностикаси) ва статистик тадқиқот усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аёлларда сут йўллари неоплазияларини эрта ташхислашда клиник, цитологик, дуктография ва эластография усуллари комбинациялашган ҳолда ROC-эгри чизиғи орқали диагностик самарадорлик кўрсаткичлари асосланган;

сут йўллари хавфли ўсмаларида мультипараметрик УТ текшируви Цукуба тизими бўйича хавфли турдаги ҳосилаларнинг 4-5-типдаги бўлиши ва сут каналлардаги кальцинатлар, қон томир архитектураси деформациялари ва ҳосиланинг гипертанкуляризацияси ҳисобига инвазив хавфли ўсмаларида учраши аниқланган;

сут йўллари хавфли ўсма касалликларида HER2+ фенотипли ҳосилаларда инвазив характердаги ўсманинг тарқалиши ҳисобига рентгенодуктографик белгилари асосида прогностик омиллар ишлаб чиқилган;

сут йўллари хавфли ўсмалари диагностикасида сўрғичдан патологик ажралма келиши каби клиник белгининг мультипараметрик УТ текшируви ва дуктография ёрдамида ҳосиланинг парчаланиши ҳисобига аниқланиши салбий башоратли мезон эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



Аёлларда сут йўллари неоплазияларини эрта ташхислашда клиник, цитологик, маммография ва мультипараметрик УТТ усуллари диагностик самарадорлик кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинган, ҳар бир ташхис усулининг самарадорлиги ва аҳамияти касалликнинг ривожланиш босқичига боғлиқ ҳолда баҳоланган, ушбу усулларнинг клиник амалиётга кенг жорий этилиши сут йўллари хавфли ўсма касаллигига шубҳа қилинган аёлларни текшириш имконини берган ва аниқланган;

Маммография ва мультипараметрик УТТ усуллари ёрдамида аниқланган сут йўллари ўсма касалликлари хавфли ва хавфсизлик хусусиятларини аниқлашда ўзига хос алоҳида мезонларга аниқлик киритилган, бу эса диагностика стратегияларини танлашда дастури ишлаб чиқилган;

Сут йўллари ўсма касалликлари нохуш кечишининг (малигинизацияланиши, рецидивланиши, метастазланиши) прогностик мезонлари аниқланган, бу эса даволаш стратегияларини тўғри танлашда дастури ишлаб чиқилган;

Сут йўллари ўсма касалликларининг клиник ва клиник белгиларсиз шаклларида барвақт аниқловчи ва нохуш кечишини прогнозловчи исботланган тизимлаштирилган текширув алгоритми орқали даволаш ва соғломлаштириш тадбирларига дифференциал ёндашувларни танлашда аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган клиник ва инструментал тадқиқот усулларида, шунингдек олинган маълумотларни статистик қайта ишлашнинг тўғри стандарт усулларида фойдаланганлик тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар аёлларда сут йўллари ўсма касалликлари ривожланиши ва кечишига янгича муносабатларни олиб кириш орқали эрта ташхислаш технологияларни кенг жорий қилишга муҳим ва сезиларли ҳисса қўшилиши билан изоҳланади ва олинган натижалар онкология мутахассислиги бўйича талабалар, магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни ўқув жараёнида алоҳида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тақдим этилган текширув алгоритми диагностика ва визуализация усулларида қўллашни оптималлаштириш ва рационал ташкил этишга олиб келади ва ўтказилган тадқиқотлар сут йўллари саратонини ташхислаш, касалликнинг хусусиятларини баҳолаш, даволаш ва прогнозлаш масалаларини ҳал қилиш ва ўрганишга катта ҳисса қўшади ва статистик-математик ҳисоб-китоблар асосида нур ташхиси усулларида фойдаланган ҳолда диагностик мезонларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аёллар орасида сут йўллари ўсма касалликларини барвақт ташхислаш натижаларини яхшилаш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

*биринчи илмий янгилик:* аёлларда сут йўллари неоплазияларини эрта ташхислашда клиник, цитологик, дуктография ва эластография усуллари комбинациялашган ҳолда ROC-эгри чизиғи орқали диагностик самарадорлик кўрсаткичлари асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали 2022 йил 10 декабрдаги №85/1 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали 2023йил 19 январь №31 буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимнинг 2022 йил 24 ноябрдаги 8 н-р/1333 – сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* аёлларда сут йўллари неоплазиялари ташхисда мультипараметрик УТТни қўллаш методологияси клиник жиҳатдан асосланган. Бу эластография усулини комплекс даволаш-профилактика муассасаларида сут йўллари ўсма касалликлари биринчи босқичида оптимал қўллаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* юқоридаги инновацион усулларни қўллаш орқали сут йўллари ўсма касалликларини эрта босқичларда (0,1,2) аниқланиши саратон касаллигини специфик даволашга кетадиган умумий харажат хажмининг тежалишига олиб келди. Бу усулнинг иқтисодий самарадорлиги натижасида давлат бюджетидан сарф харажатларни 75%га иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* аёлларда сут йўллари ўсма касалликларини барвақт ташхислашнинг тиббий - иқтисодий тежамли мониторинг тизимини ишлаб чиқиш орқали диагностик технологияларни кенг жорий қилишга муҳим ва сезиларли ҳисса қўшилган.

*Иккинчи илмий янгилик:* сут йўллари хавфли ўсмаларида мультипараметрик УТ текшируви Цукуба тизими бўйича хавфли турдаги хосилаларнинг 4-5-типдаги бўлиши ва сут каналлардаги кальцинатлар, қон томир архитектоникаси деформациялари ва хосиланинг гиперваскуляризацияси ҳисобига инвазив хавфли ўсмаларида учраши аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали 2022 йил 10 декабрдаги №85/1 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали 2023йил 19 январь №31 буйруғи билан амалиётга жорий этилган(Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимнинг 2022 йил 24 ноябрдаги 8 н-р/1333 – сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* сут йўллари ўсма касалликлари хавфлилик хусусиятларини баҳолашда ўзига хос алоҳида мезонлар-чизиқли кальцинатлар, инвазиянинг дуктографик белгиларига нисбатан, 4-5-эластографик типларнинг аниқланиши каби мезонларни ўз ичига олган мультипараметрик УТ текширувларни ўтказилиши сут йўллари ўсма касалликларининг солиштирма ташхисотида самарадорлигининг исботланганлиги сабабли беморларда юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* дуктография ва мультипараметрик УТ солиштирма ташхисоти текширувларни ўтказилишида тадқиқотлар қийматининг фарқини ҳисоблаш натижасида аниқланадики,

мультипараметрик УТТ усулини альтернатив сифатида танлашда бир бемор аёл учун давлат бюджетидан сарф харажатларни 25%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* мультипараметрик УТТни қўлланилиши аёлларда сут йўллари неоплазияларини аниқ ва барвақт ташхислаш эҳтимолини оширади, адекват диагностика йўналишини танлаш вақтини қисқартириб, танланган текширув усулини иқтисодий жиҳатдан самаралироқ мониторинг қилиш имконини берган.

*Учинчи илмий янгилик:* сут йўллари хавфли ўсма касалликларида HER2+ фенотипли хосилаларда инвазив характердаги ўсманинг тарқалиши ҳисобига рентгенодуктографик белгилари асосида прогностик омиллар ишлаб чиқилганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали 2022 йил 10 декабрдаги №85/1 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали 2023йил 19 январь №31 буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимининг 2022 йил 24 ноябрдаги 8 н-р/1333 – сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* сут йўллари ўсма касалликларининг нохуш кечишини белгиловчи мезонларнинг аниқланиши туфайли сут йўллари хавфсиз ўсма касалликлари малигинизацияланиши, рецидивланиши, хавфли ўсма касалликларининг эса рецидивланиши ва метастазланиши каби асоратлар сезиларли даражада камайишига эришилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* сут йўллари ўсма касалликлари кечишида нохуш прогностик мезонларнинг аниқланиши туфайли хавф гуруҳидаги беморлар гуруҳи назоратга олиниб, касалликнинг қайталаниши, метастазланишини даволашга кетадиган маблағларни тежалишига олиб келди. Бу ўз навбатида, диагностика ва даволашга кетадиган иқтисодий харажатларни 3 мартага камайтириш имконини берди. *Хулоса:* сут йўллари ўсма касалликлари кечишида нохуш прогностик мезонларнинг аниқланиши туфайли касалликни асоратлари олди олиниши натижасида беморларнинг ҳаёт сифати юқори бўлиши, ҳамда касалликни асоратларини диагностикаси ва даволашга кетадиган сарф харажатларини 3 маратага камайтириш имконини берган.

*Тўртинчи илмий янгилик:* сут йўллари хавфли ўсмалари диагностикасида сўрғичдан патологик ажралма келиши каби клиник белгининг мультипараметрик УТ текшируви ва дуктография ёрдамида хосиланинг парчаланиши ҳисобига аниқланиши салбий башоратли мезон эканлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали 2022 йил 10 декабрдаги №85/1 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали 2023йил 19 январь №31 буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимининг 2022 йил 24 ноябрдаги 8 н-р/1333 – сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ушбу салбий башоратли мезоннинг аниқланиши орқали СБС юқори хавфи билан касалланиши ва нохуш якуний оқибатлар ривожланиши эҳтимолини олдини олиш ва аёллар ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон берди. *Иқтисодий*

*самарадорлиги:* салбий башоратли мезонлар асосида ишлаб чиқилган текширув алгоритми соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари амалиётига тадбиқ этилиши нафақат онкологик касалланиш ва ўлим кўрсаткичини камайтиришга, балки СБС узоқ вақтгача авж олувчи шакллари даволаш, ҳамда йўқотиладиган меҳнат қобилияти билан боғлиқ бўлган вақтни иқтисодий жиҳатдан тежалишига олиб келди. Бу, ўз навбатида, даволашга кетадиган иқтисодий харажатларни 4 мартага камайтиришга эришиш имконини берди. *Хулоса:* такомиллаштирилган текширув дастурининг қўлланилиши аёлларда сут йўллари ўсма касалликларини эрта ташхислаш имкониятини оширади, адекват даволаш йўналишини танлаш вақтини қисқартириб, танланган даволашни иқтисодий жиҳатдан самаралироқ мониторинг қилиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси Республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги, ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сут йўллари неоплазиялари эрта ташхисотининг замонавий жиҳатлари (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида сут йўллари ўсма касалликларининг эпидемиологияси, этиопатогенези, ушбу патологиянинг хавф омиллари замонавий қарашлар асосида ёритилган. Сут йўллари ўсма касалликларини эрта ташхислашда қўлланиладиган текширув усуллари, уларнинг устуворликлари бўйича тафовутлар тавсифланган. Ноинвазив сут йўллари ўсма касалликларининг аҳамиятли текширув усулларидаги диагностик мезонлар ҳақида батафсил таҳлил қилинган. Ультратовушли ва рентгенологик текширув усуллариининг сут йўллари хосилаларини аниқлашдаги ўзига хос диагностик мезонлари ўрганилган. Сут йўллари ўсма касалликларини аниқлашда фойдаланиладиган текширув алгоритмларидаги тафовутлар ўрганилиб, илмий таҳлил қилинган.

Ушбу мазмундаги тадқиқотлар, такрорланиб туришидан катъий назар, қиёсланиб баҳоланиш ва илмий хулосалар чиқариш учун беқиёс аҳамият касб этади. Сут йўлларида ривожланиб, ҳали клиник намоён бўлмаган сут йўллари хосилаларини аниқланишига бағишланган мазкур диссертация тадқиқотини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотни материали умумий тавсифи ва текширув усуллари» деб номланган иккинчи бобида текширилган контингент – популяциянинг умумий тавсифлари ва тадқиқот усуллари ҳақида маълумот берилган.

Тадқиқотда 144 нафар аёл иштирок этган, улардан 77 нафари (53,4%) ҳар хил ёшдаги сут безларидаги оғриқлар, гиперпролактинемия кузатилмаган ҳолатдаги сут беzi сўрғичидан патологик ажралма келган, сут беziда пайпасланадиган хосила бўлган аёлларни ташкил қилди ва 67 та (46.52%) 40 ёшдан ошган субъектив белгиларга шикоят қилмаган маммографик скрининг орқали сут йўлларида хосилалар аниқланган аёлларни қамраб олган. Тадқиқотга киритилган барча аёллар сут безлари маммография ва ультратовуш текширувидан ўтказилиб, текширув натижаларида сут йўллари хосилалари мавжудлиги аниқланган. 24 та беморлар: маммографик скрининг текширувида сут йўлларида хосилалар аниқланмаган, аммо сут йўллари хосилаларига хос клиник белгиларга эга бўлганлиги сабабли тадқиқотга киритилган. Ушбу гуруҳдаги беморлар сут йўлларидаги хосилалар УТТ(Соноэластография) текшируви ёрдамида аниқланган.

Тадқиқотга киритилган беморларнинг ўртача ёши  $45,88 \pm 0,87$  ёшни ташкил этди (клиник симптомларга эга бўлган беморларда -  $46,66 \pm 1,41$  ёш, симптомларсиз кечувчи сут йўллари хосилалар билан оғриган беморларда -  $45,20 \pm 1,08$ , н.д.).

Хайз циклининг бошланиш ёши ўртача  $14,50 \pm 0,12$  йил, мунтазам жинсий фаолликнинг бошланиши вақти  $20,48 \pm 0,19$  ёш, ўртача ҳомиладорлик сони  $4,25 \pm 0,13$ , болалар сони  $3,07 \pm 0,08$  ёшни ташкил этган, абортлар  $1,81 \pm 0,08$ , шу жумладан спонтан абортлар -  $1,33 \pm 0,04$ .

Тадқиқотга киритилган барча беморлар маммография, рентгенодуктография, ультратовуш текшируви, соноэластография, хосиланинг морфологик текшируви, хавфли ўсма касаллиги аниқланган тақдирда хосила хужайраси мембранасидаги ЭР, ПР, HER2, Ki-67 ни аниқлаш ўтказилган. Перспектив равишда, беморлар гистологик верификация хулосаларига кўра, 26 та (18%) беморда сут йўллари хавфли ўсма касаллиги аниқланган беморлар ва 118 та (81,9%) беморларда сут йўлларида хавфсиз ўсма касаллиги бўлган беморлар гуруҳига бўлинган.

Текширувлар давомида сут йўлларидаги хосилаларнинг хавфлилик мезонлари аниқланган ва беморларга индивидуал тактик ёндошувлар ишлаб чиқилган.

Кузатувлар даври 5 йилни ташкил қилди. Ушбу даврда касалликнинг якуний оқибатлари таҳлил қилинди: малигинизация (хавфсиз ўсмалар учун), метастазланиш (хавфли ўсмалар учун), рецидивланиш (хавфли ва хавфсиз

ўсмалар учун) ҳолатлари рўйхатга олинди. Онкологик касалликдан ва бошқа сабаблар туфайли ўлим ҳолатлари қайд қилинмади.

Тадқиқотга киритилган барча аёллар касалликнинг клиник белгиларини аниқлаш мақсадида маммолог кўрувидан ўтказилди. Сут йўллари ўсма касалликларига хос белгилар: маҳаллий оғриқ, сўрғичдан патологик ажралма келиши, пальпацияда хосилани қўлга урилиши каби белгилар мавжудлиги текширилди.

Патологик ажралма тури-сероз, геморрагик ёки сероз-геморрагик турлари тавсифи рўйхатга қайд қилинди.

Маммография: цифрли маммография SN-DR3 аппаратида мм<sup>2</sup>да 20 пиксель юзада амалга оширилди. Экрэн-кассетали махсус қурилмадан фойдаланилди. Маммография текшируви ҳайз кўрувчи аёлларда ҳайз циклининг пролифератив фазасида, ҳайз кўрмайдиган менопауза давридаги аёлларда исталган кунда ўтказилди. Текширув учун махсус тайёргарлик ёки вақт талаб қилинмади.

Текширувда обзор маммография ўтказилиб, беморнинг вертикал ҳолатида бажарилди. Ҳар бир сут беши ёнбош, тўғри ва қийшиқ проекцияларда обзор маммография қилинди. СБ фиброз-қон томирли тасвири, хосилалар борлиги ( уларнинг сони, ҳажми, контуралари ҳолати, гомогенлиги рўйхатга олинди), кальцинатлар мавжудлиги, уларнинг табиати (чизикли ва урчқсимон) баҳоланди. Чизикли кальцинатлар мавжудлиги сут йўлларидаги ўсмасимон «комедо» (некроз ўчоғи) белгилари ҳақида хабар беради. Аниқланган хосилалар юмалоқ, овалсимон ёки нотеккис шаклда , аниқ, ноаниқ ёки полициклик контурли, юқори рентгенологик зичликдаги соялар кўринишида аниқланди.

Дуктографик усули цифроммаммография текширувида (цифрли маммография SN-DR3 аппаратида мм<sup>2</sup>да 20 пиксель юзада) амалга оширилди. Сут йўллари таркибида йод бўлган контраст модда (триомбрас) 0.5-1.0 мл ҳажмда юборилди.

Дуктография текширувида сут йўллари ўсмаларининг мавжудлиги: узилиш, торайиш ва сут йўлларининг тўлиш нуқсони, хосиланинг инвазив ўсиши белгилари – контрастланиш контурларининг нотекислиги ва “шувалиши”, контрастнинг “оқиш” ҳодисаси кузатилди (2.1-расм).

Сут йўллари ультратовуш текширув усули SonoScape S 30 аппаратида 5-12 МГц частотали чизикли датчик ёрдамида ҳайз кўрадиган аёлларда ҳайз циклининг пролифератив фазасида ва ҳайз кўрмайдиган аёлларда ҳар қандай кунда амалга оширилди. Текширув ётган ҳолатда ўтказилди. Тадқиқот давомида сут йўлларидаги хосилаларнинг мавжудлиги, уларнинг катталиги, йўналиши: горизонтал (териға параллел) ёки вертикал (териға перпендикуляр), сут йўлларининг кенгайиши, кальцинатлар мавжудлиги қайд этилди. Допплерография усули орқали хосиланинг қон айланиш тизими: қон томирлар оқими, қон билан таъминланиши аниқланди (гиперваскуляризация, нормаваскуляризация, гипо/аваскуляризация).

**Мультипараметрик УТ SonoScape S 30** аппаратида 5-12 МГц частотали чизикли датчик ёрдамида В-режим+доплерография+эластографияда амалга

оширилди, услуби – стрейн эластография. Сут беги тўқимасини сиқиш учун ультратовуш датчиги ишлатилди. Компрессия давомийлиги 2-5 секундни ташкил этди. Монитор экранида рангли тасвир пайдо бўлиши билан кетма кетликда минимал миқдордаги шовқин ва артефактлардан иборат статик сканқайд этилди. СБ паренхимасига компрессион доза киритилиши билан базавий режимда кулранг шкала ва сканлар қайта ишланиши натижасида эластограммада тасвирлар пайдо бўлди.

Тўқимлара эластиклиги ҳар хил рангларда акс эттирилди (рангли тасвирлаш). Биз кўк –яшил-қизил рангли гаммалардан фойдаландик.

Эластограммада юқори қаттиқлик индексига эга бўлган тўқималар кўк рангда, паст қаттиқлик индекси эса қизил рангда тасвирланган.

Сут йўлидаги хосилани аниқлашдан ташқари, унинг катталиги, гомогенлиги, чегаралари ва қаттиқлик индексига эга бўлган атрофдаги соҳанинг ўлчамлари қайд этилган. Эластографик тасвирлардаги сут каналларидаги хосилалар Цукуба системасига кўра таснифланган [62].

Тадқиқотга киритилган барча аёллар сут йўлларида олинган биоматериаллар морфологик текширувдан ўтказилди. Олинган материаллар микроскопда кўриш учун ва иммуногистохимёвий текширув учун тайёрланди. Иммуногистохимёвий усул орқали хосиланинг хужайра мембранасидаги эстрогенлар (ЭР), FISH-усулида одам эпидермал ўсиш омили 2 тип рецептори (HER2) аниқланди. Ушбу тадқиқотдан олинган барча маълумотлар кейинги статистик ишловдан ўтказиш мақсадида Microsoft Windows 10 дастури учун Excell муҳарриридаги жадвалларга киритилган. Барча параметрик қийматлар учун ўртача арифметик қийматлар ва уларнинг стандарт хатоси ҳисоблаб чиқилди, гуруҳлараро фарқлар Стьюдент мезони ёрдамида, кўп сонли фарқлар Бонферрони тузатгичи орқали, диагностик аниқлик, манфий ва мусбат прогностик мезонларни ифодаловчи ROC-эгрилиги баҳоланди.


Сифатий белгилар учун уларнинг частота тақсимоги баҳоланди; гуруҳлараро таққослаш учун жадвалли хи-квадрат мезони ёрдамида амалга оширилди ва эркинлик даражалари сонини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган жадваллар ёрдамида унинг ишончилиги баҳоланди. Корреляцион таҳлил корреляция жуфтлиги сонини ҳисобга олувчи махсус жадваллар ишончилигини баҳоловчи Пирсон мезони орқали амалга оширилди. Сизирлик, спецификлик ва диагностик эффективлик каби мезонлар самарадорлигини баҳолаш учун патологияси бўлган ва патологияси бўлмаган беморлар ўртасидаги мусбат ва манфий мезонлар частотаси тақсимотидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Миқдорий белгилар учун белгининг медианаси мезони ишлатилган. Нисбий хавф (НХ) белгиларга эга ва эга бўлмаган барча беморлар ўртасида ўрганилаётган патологиянинг ривожланиш частотасининг нисбати орқали баҳоланган. Тадқиқотда келтирилган графиклар Excell электрон жадвал муҳаррири дастурида яратилган.

Диссертациянинг «Сут йўллари неоплазиялари клиник, цитологик, морфологик, рентгенологик ва УТ текширув усуллари натижалари» деб

номланган учинчи бобда маммография ва ультратовуш текшируви натижаларига кўра, сут йўллари хосилалари аниқланган тадқиқотга киритилган 144 та беморлар кейинги текширувлар давомида 118тасида (81,94%) хавфсиз ўсма касалликлари ва 26 тасида (18,05%) хавфли ўсмалар аниқланган (1- расм).

26 та хавфли ўсма касалликлари орасида энг кенг тарқалган морфологик вариант НИСЙК (46,15%) аниқланди. Специфик белгиларисиз инвазив карцинома (СБИК) ва инвазив сут йўллари карциномаси (ИСЙК) деярли бир хил частотада (мос равишда 23,08% ва 26,92%) учради. Хавфсиз ўсма касалликлари орасида пролифератив фиброз-кистоз мастопатия (ПФКМ, 51,70%), интрадуктал папиллома (ИДП, 26,27%), склерозловчи аденоз (СА) ва сут йўллари атипик гиперплазияси (СЙАГ) (10,17% и 11,86% мос равишда) аниқланди.



**1-расм.** Тадқиқотга киритилган беморларда аниқланган сут йўллари хосилаларининг патоморфологик вариантлари

Сут йўллари ўсма касалликларининг клиник жиҳатидан ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, маммография, УТ текширувларида аниқланган зарарланган СБдаги ҳар хил интенсивликдаги локал оғриқлар, касалликнинг объектив белгилари-патологик ажралмалар (сероз/сероз-геморрагик/геморрагик ажралмалар), пальпатор кўлга урилувчи хосилалар мавжудлиги инобатга олинди (1-жадвал). Тахлил қилиш шуни кўрсатдики, беморларнинг кўпчилиги (102 тасида – 70,83%) СБларидаги оғриққа шикоят билдиришмади. Шу билан бирга, кўпчилик ҳолатда СБ сўрғичидан патологик секреция белгилари (103тасида – 71,53%) ва кўлга урилувчи хосилалар (108 – 75,0%) кузатилмади. Сут йўллари ўсма касалликлари клиник белгиларининг интеграл текшируви шуни кўрсатдики, касалликнинг “клиник белгиларсиз” кечувчи шакли-субъектив ва объектив равишда симптомларсиз кечувчи ҳолат бўлиб, барча беморларнинг ярмидан озроғини ташкил этди (67 - 46,53%). Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, объектив ва субъектив маълумотларни синчковлик билан йиғиш сут йўллари ўсма касалликлари мавжудлигини барча беморларнинг ярмидан кўпида аниқлашга имкон беради.




## Сут йўллари ўсма касалликлари клиник белгиларининг учраши

Мезонлар	Барча беморлар (n=144)	Хавфли ўсмалар (n=26)	Хавфсиз ўсмалар (n=118)	Хи квадрат
Оғриқ	42 (29,17%)	10 (38,46%)	32 (27,12%)	1,33 (нд)
Патологик ажралма (мавжудлиги)	41 (28,47%)	7 (26,92%)	34 (28,81%)	0,04 (нд)
Патологик секреция (серозли/сероз-қонли/қонли)	23/10/8 (15,97%/6,94%/5,56%)	2/3/2 (7,69%/11,54%/7,69%)	21/7/6 (17,80%/5,93%/5,08%)	2,6 (нд)
Пальпатор хосила	36 (25,0%)	6 (23,08%)	30 (25,42%)	0,06 (нд)
«Клиник белгиларсиз» хосила	67 (46,53%)	10 (38,46%)	57 (48,31%)	0,83 (нд)

СЙ ўсма касалликларининг клиник субъектив ва объектив белгиларининг учраш частотаси, шу жумладан клиник белгиларсиз шакли хавфли ва хавфсиз ўсма касалликлари гуруҳларида фарқ қилмади. Патологик секреция хусусиятига кўра, хавфли ўсма касалликлари орасида сероз-геморрагик ажралма (11,54%) кўпроқ учради (2-расм). Хавфсиз ўсма касалликлари орасида эса серозли ажралма кўпроқ учраши аниқланди (17,80%), бироқ патологик ажралмаларнинг учраш частотаси бўйича статистик аҳамиятли фарқлар гуруҳлар кесимида кузатилмади (хи квадрат=2,6, нд).

Шундай қилиб, сут йўллари ўсма касалликлари ташхисотида клиник мезонларининг сезгирлиги 53,47%ни ташкил этди ва хавфли ва хавфсиз ўсма касалликларида ҳам ушбу мезонни солиштириш мумкин. (61,54% ва 42,36%, мос равишда, хи квадрат=0,83 нд).



2-расм. Сут йўллари хавфли ва хавфсиз ўсма касалликларида ҳар хил турдаги патологик ажралмаларнинг учраш частотаси(хи квадрат=2,6 нд)

Сут йўлларидаги патологик секрецияларни цитологик таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, сероз ажралмалар таркибида энг кўп ҳолатларда: кубсимон эпителий хужайралари (34,7%), сероз-қонли ажралмаларда: қон элементлари (50%), қонли ажралмаларда: атипик хужайралар (50%) учраши аниқланди (2-жадвал).

**Сут йўллари ўсма касалликларидаги ажралмаларнинг  
характерига кўра цитологик таркибий учраш частотаси**


№	Ажралмалар	Структура сиз масса	Қон элементлари	Ялиғлан иш элементлари	Кубсимон эпителий хужайралари	Кубсимон эпителий пролиферация билан	Атипик хужайралар	Жами
1	Сероз	3(13%)	4(17,3%)	3(13%)	8(34,7%)	4(17,3%)	1(4,3%)	23
2	Сероз-қонли	1(10%)	5(50%)		2(20%)	1(10%)	1(10%)	10
3	Қонли		1(12,5%)			3(37,5%)	4(50%)	8
	Жами	4(9,7%)	10(24,%)	3(7,3%)	10(24,%)	8(19,5)	6(14,6)	41

Шундай қилиб, цитологик текширув сезгирлиги -71,4% ташкил этди.

Маммография текшируви жараёнида 144 та аёлдан 120 тасининг маммограммаларида сут йўллари хосилаларига хос ўчоқли сояланишлар аниқланди. Шундай қилиб, сут йўллари хосилаларини аниқлаш жиҳатидан стандарт маммография текширувининг сезгирлиги 83,33%ни ташкил этиб, клиник текшируви сезгирлигидан ишончли даражада анча юқорилигини кўрсатди (хи квадрат=29,72,  $p<0,001$ ). Шу билан бирга, хавfli ва хавфсиз ўсма касалликлари орасида маммография текширувининг сезгирлигини ҳам кўриш мумкин (80,77% ва 83,90%, шу билан бирга, хи квадрат=0,15, нд).

Тадқиқотнинг статистик таҳлиliga киритиш мезони сифатида верификация қилинган сут йўллари хосилаларида (маммографик негатив хосилаларда) маммография усули сезгирлиги баҳоланмаган. Сут йўллари ўсма касалликларини маммография ва клиник белгилари асосида ташхислаш натижалари орасида ишончли кучсиз боғланишлар аниқланди: барча ҳолатлар учун корреляция коэффициенти +0,42 ни ташкил этди ( $p<0,01$ ), хавfli ўсма касалликлар учун +0,39 ( $p<0,05$ ) ва хавфсиз ўсма касалликлар учун +0,42 ( $p<0,01$ ).

Тадқиқотга киритилган сут йўллари ўсма касалликлари ташхисланган барча ҳолатлардан 37%ида хосиланинг клиник симптоматикасига ва маммографик белгиларига эга экани аниқланди.



**3-расм.** Маммографик ва клиник негатив ва позитив сут йўллари ўсмалари улуши

46% ҳолатларда клиник белгиларсиз хосилалар маммография усулида аниқланди, 55,83% барча маммографик «позитив» ҳолатларни ташкил этди. 31,17% барча клиник «позитив» ҳолатлардан 17% ҳолатларда маммографик белгиларсиз клиник симптомлари кузатилган беморлар ташкил килди (3-расм). Сут йўллари ҳолатини маммографик баҳолашда тасвир деформацияси, сут йўллари кенгайиши каби белгиларга асосланилади (3-жадвал).


### 3- жадвал

#### Сут йўллари ўзгаришларнинг маммографик ташхислаш частотаси

Гуруҳлар	Тасвир деформацияси йўк/бор	Сут йўллари кенгайиши йўк/бор
Барча маммографик+ ҳолатлар (n=120)	<u>116 (80,56%)</u> 28 (19,44%)	<u>86 (59,72%)</u> 58 (40,28%)
Маммографик+ СБС (n=21)	<u>15 (57,69%)</u> 11 (42,31%)	<u>14 (53,85%)</u> 12 (46,15%)
Маммографик+ хавфсиз касалликлар (n=99)	<u>101 (85,59%)</u> 17 (14,41%)	<u>72 (60,17%)</u> 46 (38,98%)
Хи квадрат 2x2	10,59, p<0,01	0,46, нд

28 та ҳолатларда сут йўллари тасвирининг деформацияси (барча маммографияларнинг 19,44%) белгиси кузатилди. Ушбу феномен хавфли ўсмаларда ишончли тарзда кўпроқ учради (хи квадрат=10,59, p<0,01). 58та ҳолатларда сут йўллари кенгайиши белгиси кузатилиб, (40,28%), хавфли ва хавфсиз ўсмалар гуруҳларида ушбу белги бир хил учраши аниқланди (хи квадрат=0,46, нд).

Маммография текширувидан ўтган беморларнинг барчасида кальцинатнинг маълум бир тури аниқланди ва бу маълумотлар SPSS базасида ROC-таҳлили қилинди (4-расм).



#### 4-Расм. Кальцинатлар турига нисбатан ROC-эгрилиги

Эслатма: маълумотнинг ишончлилиги p=0,002

Унга кўра, чизиксимон, урчуксимон кальцинатлар ўсма характериға қараб (хавфли ва хавфсиз) мос тарзда 16 (41%) ва 23 (59%), 3 (7,9%) ва 35 (92,1%) ни ташкил қилган (p=0,002). Таҳлилға кўра аниқланган калцинатларнинг ўсма табиатини онкологик жиҳатдан хавфлилиги даражасини сезувчанлик (Se) ва ўзига хосликнинг (Sp) true positive (TP) ва false negative (FN) мезонлари ишончилиги тасдиқланган.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, сут йўллари ўсма касалликларини ташхислашда маммография текширувнинг сезгирлиги 83,33% ташкил қилади.

Хавфли ўсма касалликларини қиёсий ташхислаш нуқтаи назаридан, рентгенологик тасвир деформацияси ва чизиқли кальцинатларнинг аниқланиши маммография текширувнинг информатив белгилари бўлиб ҳисобланди. Қолган барча маммографик белгиларнинг хавфли ва хавфсиз ўсмаларда фарқли жиҳатлари аниқланмади.

Сут йўллари хавфли ўсма касалликларида тасвир деформацияси каби маммографик белгини аниқлаш сезгирлиги 42,31% (26 тадан 11тасида), спецификлиги – 85,59% (118дан 101тасида), диагностик эффективлиги – 77,78% (114тадан 112таси). Маммографик тасвир деформацияси аниқланган беморларда сут йўллари хавфли ўсма касалликлари аниқланишининг нисбий хавфи 3,04 ни ташкил этди (тасвир деформацияси белгиси аниқланган беморларда СҲИС абсолют хавфи– 39,29%: 28тадан 11таси, тасвир деформацияси белгиси аниқланмаган беморларда – 12,93%: 116тадан 15таси, хи квадрат=9,97,  $p < 0,01$ ).


СҲИС ривожланиши нисбий хавф кўрсаткичида кальцинатлар аниқланиши белгисининг сезгирлиги 73,08% (26 дан 19 та), спецификлиги – 50,85% (118дан 60та), диагностик эффективлиги – 54,86% ташкил қилди (144 тадан 79та). Маммография текширувида СБ да кальцинатлар аниқланган беморларда СҲИС 24,68% (77 дан 19та), кальцинатлар аниқланмаганда – 10,45% (67 дан 7та, хи квадрат=4,99,  $p < 0,05$ ), шундай қилиб, СБда кальцинатлари маммографик усулда аниқланган СҲИС нисбий хавфи 2,36.

Чизиқли кальцинатларнинг аниқланиши (144 тадан 39та ҳолатда) текширув усулининг 61,54% ҳолатда сезгирлигини ифодалайди (26 тадан 16 таси), спецификлиги – 80,51% (118тадан 95 та), диагностик аҳамияти– 77,08% (144 тадан 111таси). Маммография усулида аниқланган чизиқли кальцинатларнинг 41,03% ида сут йўллари саратони хавфи аниқланди (39 тадан 16 тасида), чизиқли кальцинатлар аниқланмаган ҳолатларда эса – 9,52% (105 тадан 10 тасида, хи квадрат=18,51,  $p < 0,001$ ), чизиқли кальцинатлар аниқланган ҳолатлардаги сут йўллари саратони нисбий хавфи 4,31 ни ташкил этди. Шундай қилиб, сут йўллари саратони диагностикасида чизиқли кальцинатларнинг аниқланиши усул сезгирлигининг пастлигида спецификлиги юқорилиги билан ассоциацияланади.

Тадқиқотга киритилган сут безлари сўрғичидан ажралма келган 41 та (28,4%) беморларга контрастли дуктография текшируви ўтказилди. Бу усул йод сақловчи контраст моддани сут йўлларига юборишга асосланган бўлиб, сут йўллари ички қисмидаги ва деворларидаги ўзгаришлар ҳолати ҳақида маълумот беради. Бу усул ёрдамида маммография текширувида аниқланиши қийин бўлган СБ фиброзли ўзгаришларига яширинган майда сут йўлларидаги хосилаларни аниқлашга имкон беради. Ундан ташқари, сут йўллари деворидаги ўзгаришларни баҳолаш орқали хосиланинг инвазив белгилари/инвазив трансформацияларини аниқлаш мумкин. Дуктография

усули маммография текширувига қўшимча усул бўлиб, қўшимча диагностик маълумотларни беради.

Дуктография усулини қўллаш орқали 32та ҳолатларда (78%) сут йўллари хосилалари ҳақида хабар берувчи сут йўлларининг тўлиш нуқсони белгиси қайд этилди. Бу ҳодисанинг хавфли ва хавфсиз ўсма касалликларда учраш частотасини кўриш мумкин (85,7% ва 79,4%, шу билан бирга, хи квадрат=0,45, нд, 5-расм).




**5-расм.** Сут йўллари патологияларининг малигнизацияланишига кўра дуктографик таъхисланиш частотаси (хи квадрат  $2 \times 3 = 0,56$ , нд)

Сут йўлларининг кенгайиши белгиси тўлиш нуқсони белгиси аниқланган барча беморларда ва тўлиш нуқсони белгиси аниқланмаган 6 та беморларда ҳам кузатилиб (38та- 92,68%), хосиланинг хавфлилиқ хусусиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда кузатилди (хи квадрат хавфли ва хавфсиз ўсма касалликлари ўртасидаги частотали фарқланиш =0,56, нд).

Дуктография усули ёрдамида касалликнинг инвазивлик белгилари: ноаник, нотеккис, шувалган контурли сут йўллари аниқланди. Сут йўллари деворининг инвазивлик белгиси 3 та беморларда кузатилди (7,31%). Шулардан хавфли ўсмалар гуруҳида бу ҳодиса 2 та беморларда (28,5%), хавфсиз ўсмалар ичида эса 1 нафар беморларда аниқланди (2,9%, хи квадрат=12,79,  $p < 0,001$ ). Инвазиянинг дуктографик белгилари хавфли ўсма касалликларида учраш частотаси 66,6% (3 тадан 2 та), инвазия белгиларисиз – 13,15% ни ташкил этди (38 дан 5 та, хи квадрат= 11,28,  $p < 0,001$ ), СЧЙС да СБ ларида инвазиянинг дуктографик белгилари нисбий хавфи – 4,02ни ташкил қилди. Хавфли ўсма касалликларда инвазиянинг дуктографик белгилари сезгирлиги 28,5%, спецификлиги – 97,1%, диагностик эффективлиги – 86,85%ни ташкил этди.

Шундай қилиб, контрастли маммография текшируви-дуктографияни сут йўллари ўсма касалликларида қўллаш текширув спецификлигини оширади, ҳамда сут йўллари карциномаси таъхисотида диагностик аҳамиятлидир (6-расм).



**б-расм.** Сут йўллари хавфли ўсма касалликларидаги маммографик мезонларнинг диагностик аҳамияти

Маммографик тасвир деформацияси, кальцинатлар, айниқса чизиқли кальцинатлар каби маммографик мезонларнинг аниқланиши СБ дан малигинизация белгиларини ажратади, бироқ текширув усулининг диагностик эффективлиги 80% дан ошмайди. Сут йўллари контрастли текшируви-дуктография усулининг қўлланилиши сут йўллари клиник белгили хосилаларини аниқлашга қўшимча маълумот бериб, текширув усулининг спецификлигини оширади, бироқ сут йўллари хавфли ўсмалари ичида НИСЧЙКнинг юқори частотада учраш кўрсаткичига боғлиқ равишда “сут йўли девори инвазия белгисининг мавжудлиги” мезонининг сезгирлиги пастдир.

